

UZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI
FOR THE DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш методологияси

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги
Илмий-техник ахборот маркази

Тошкент-2021

Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида	3
Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом	4
Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартиби	8
Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш мезонлари	9
Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси	10
Рейтинг натижалари эълон қилиниши	34

Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида



Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш,

шунингдек, илмий ташкилотлар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини рейтинг асосида баҳолаш тизимини жорий қилиш мақсадида 2020 йил 11 май куни 274-сонли Вазирлар Маҳкамаси «Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори қабул қилинди.

Ушбу Қарорга мувофиқ илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги республикада фаолият юритаётган илмий ташкилотлар рейтингини шакллантириш учун масъул этиб белгиланган.

Ўз навбатда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш соҳасидаги қуйидаги вазифалари белгилан:



- илмий ташкилотларнинг илмий-тадқиқот ва инновацион фаолияти даражаси, илмий-тадқиқот ишлари сифати, илмий-инновацион фаолият натижаларини тавсифловчи маълумотлар базасини тизимли асосда шакллантириш ҳамда уларни рейтинг кўрсаткичларига мувофиқ баҳолаш асосида ҳар йили республика илмий ташкилотлар рейтингини тузиш;
- жаҳондаги етакчи рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва миллий илмий ташкилотларнинг дунёдаги нуфузли илмий марказлар рейтингига киришида амалий ёрдам кўрсатиш;
- рейтинг натижалари асосида илмий ташкилотларда илмий-тадқиқот ва инновация ишлари сифатини оширишга қаратилган аниқ таклифларни назарда тутувчи республикадаги илмий ташкилотлар фаолияти тўғрисида таҳлилий ахборот тайёрлаш;
- илғор халқаро тажриба асосида ҳамда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда рейтинг тузилмасига зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб бориш.

Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 11 майдаги 274-сонли қарорига мувофиқ Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом илмий ташкилотлар рейтингини (кейинги ўринларда – рейтинг) аниқлаш тартибини белгилайди.
2. Илмий ташкилотлар рейтинги Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ҳар йили ҳолислик, ошкоралик ва адолат тамойилларига амал қилинган ҳолда аниқланади.
3. Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, уларнинг илмий-инновацион фаолияти даражаси ва сифатини оширишни рағбатлантириш, илмий ходимларнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари учун илмий ҳажмдор маҳсулотлар ва технологияларни тайёрлашга замин яратиш мақсадида амалга оширилади.
4. Қуйидагилар рейтингни аниқлашнинг вазифалари ҳисобланади:
 - илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш асосида талаб юқори бўлган илмий ҳажмдор маҳсулотларни тайёрлаш;
 - илмий ташкилотларда олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар ва инновация ишлари сифати, улардаги мавжуд имкониятлар, илмий лабораториялар, асбоб-ускуналар ҳақида илмий фаолиятни бошқариш бўйича ваколатли органлар, буюртмачилар ҳамда кенг жамоатчиликни ҳолис ахборотлар билан таъминлаш;
 - илмий ташкилотларнинг жаҳондаги рейтинги юқори бўлган илмий-тадқиқот муассасалари билан изчил ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг халқаро стандартларга мувофиқ юқори кўрсаткичларга эришишига кўмаклашиш;
 - миллий рейтинг тизимида юқори кўрсаткичларни қайд этган илмий ташкилотларнинг дунёдаги нуфузли илмий марказлар қаторига кириши учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириб бориш.
5. Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартиби схемасига мувофиқ амалга оширилади.

Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом

2-боб. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш тартиби

6. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ҳисобот йилидан кейинги йилнинг биринчи чорагида амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида тегишли намунадаги жадваллар ишлаб чиқилади ва рейтинг аниқланаётган йилнинг 20 декабрига қадар бўйсунувида илмий ташкилотлар бўлган вазирликлар ва идораларга ҳамда илмий ташкилотларга етказилади.

8. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар ҳамда илмий ташкилотлар томонидан рейтингни аниқлашга оид маълумотлар асослантирувчи ҳужжатлари билан биргаликда 1 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилади.

Асослантирувчи ҳужжатлар қоғоз ёки электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

Асослантирувчи ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, маълумотлар рейтингни ҳисоблашда инобатга олинмайди.

9. Рейтингни аниқлашга оид маълумотларнинг ишончилиги, тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан бир ҳафта муддатда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, мустақил экспертлар ҳамда олимлардан иборат ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – ишчи гуруҳ) тузилади.

10. Ишчи гуруҳ томонидан заруратга кўра, тақдим этилган рейтингни аниқлашга оид маълумотлар жойига чиққан ҳолда ўрганилиши мумкин. Бунда ишчи гуруҳ 1 апрелга қадар тегишли далолатнома асосида илмий ташкилотлар раҳбарлари имзоси билан тасдиқланган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этади.

11. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантириш учун қуйидаги маълумотлар қўшимча равишда сўраб олинishi мумкин:

- илмий ташкилот учун юқори турувчи давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларидан – илмий-тадқиқот ва инновация ишларига йўналтирилган хорижий грантлар ва хорижий жамғармалар маблағлари, иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари буюртмалари асосида ўтказилган илмий-тадқиқотлар ёки хўжалик шартномалари асосида олинган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар;

Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясидан — фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларига ҳамда илмий даражага эга бўлмайдиган доцент ёки профессор илмий унвонларига тасдиқланган илмий ташкилотлар илмий ходимлари томонидан ҳимоя қилинган диссертациялар тўғрисидаги маълумотлар;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигидан — илмий ташкилотлар ва уларда фаолият олиб бораётган илмий ходимларга тегишли ихтиро, фойдали модел, саноат намуналари ва селекция ютуқлари учун олинган патентлар, ахборот-коммуникация технологиялари учун дастурлар ва маълумотлар базалари учун олинган гувоҳномалар, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган турли бошқа материаллар тўғрисидаги маълумотлар.

Илмий ташкилотларда танловлар асосида шакллантирилган ва давлат илмий-техника дастурларига киритилган фундаментал, амалий ва инновацион ҳамда стартап лойиҳаларга ажратилган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасига киритилади.

3-боб. Рейтинг натижаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш

12. Рейтингни аниқлашга оид тўпланган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 1 майга қадар илмий ташкилотлар рейтингини аниқланади.

Бунда илмий ташкилотларнинг рейтинг натижалари асосида қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- I тоифа – етакчи (лидер) илмий ташкилотлар;
- II тоифа – ўртача (қониқарли) натижадорликни намоён этувчи илмий ташкилотлар;
- III тоифа – асосий илмий фаолиятни ҳамда ривожланиш истиқболини йўқотган (қониқарсиз) илмий ташкилотлар.

Рейтинг балларини ҳисоблаш Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш мезонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тасдиқланган Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси асосида амалга оширилади.

13. Рейтинг кўрсаткичлари учун балларни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

- тегишли рейтинг кўрсаткичи бўйича энг юқори кўрсаткичга эга илмий ташкилотлар аниқланади;

Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом

- бошқа барча илмий ташкилотларнинг баллари шу кўрсаткич бўйича энг юқори баллга эга бўлган илмий ташкилотларнинг кўрсаткичига нисбатан ҳисобланади;
- ҳар бир кўрсаткич бўйича ҳисобланган баллар йиғиндиси илмий ташкилотлар рейтингини белгилайди.

14. Рейтинг натижалари ҳар йили июн ойида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади (www.mininnovation.uz)

15. Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигида сақланади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

16. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

17. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.


Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартиби

Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартиби СХЕМАСИ

	Масъуллар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш мuddати
1	Инновацион ривожланиш вазирлиги	Рейтингни аниқлашга оид маълумотлар базасини шакллантиради.	Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг I чорағида
2	Инновацион ривожланиш вазирлиги	Рейтингни аниқлаш учун жадваллар ишлаб чиқади ва бўйсунувида илмий ташкилотлар бўлган вазирлик ва идораларга ҳамда илмий ташкилотларга етказилади.	Рейтинг аниқланаётган йилнинг 20 декабрига қадар
3	Бўйсунувида илмий ташкилотлар бўлган вазирлик ва идоралар	Рейтингни аниқлашга оид маълумотларни асослантирувчи ҳужжатлари билан биргаликда Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этади.	1 февралга қадар
4	Инновацион ривожланиш вазирлиги	Рейтингни аниқлашга оид маълумотларнинг ишончлилиги, тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини ўрганиш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, мустақил экспертлар ҳамда олимлардан иборат ишчи гуруҳ тузади.	1 hafta мuddатда
5	Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан тузиладиган Ишчи Гуруҳ	Зарур ҳолларда, рейтингни аниқлашга оид маълумотларни жойига чиққан ҳолда ўрганади ва маълумотларни Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этади.	1 апрелга қадар
6	Инновацион ривожланиш вазирлиги	1.Рейтингни аниқлашга оид тўпланган маълумотлар асосида илмий ташкилотлар рейтингини аниқлайди ва уларни рейтинг натижалари асосида тоифаларга ажратади. 2.Рейтинг натижаларини Инновацион ривожланиш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилади.	1 майга қадар Июнь ойи биринчи haftасида

Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш мезонлари

Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш МЕЗОНЛАРИ



Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

1. Илмий ходимларнинг илмий салоҳияти,
шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари, фан
доктори (DSc), фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD)

Максимал балл – 4

Илмий ташкилотларнинг илмий даражали ходимлар билан таъминланганлик даражаси илмий ходимларнинг умумий сонига нисбатан қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$I_s = [(P_a + P_A)/I] * 3 + [(P_H/I) * 2]$$

Натижага кўра, агар:

$I_s \leq 1,2$ бўлса – 1 балл

$1,2 < I_s \leq 1,5$ бўлса – 2 балл

$1,5 < I_s \leq 2,0$ бўлса – 3 балл

$I_s > 2,0$ бўлса – 4 балл ҳисобланади.

Бу ерда:

I_s – илмий даражали ходимлар билан таъминланганлик салоҳияти кўрсаткичи;

I – илмий ташкилотнинг асосий штатдаги илмий ходимлари умумий сони;

P_a – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари (шу жумладан, собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари) сони. Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти – 3 (уч);

P_A – фан доктори (DSc) илмий даражасига эга илмий ходимлар сони. Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти – 3 (уч);

P_H – фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга илмий ходимлар сони. Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффициенти – 2 (икки).

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

2. Илмий ходимлар таркибидаги ёш олимлар улуши

Максимал балл – **2**

Илмий ходимлар таркибидаги ёш олимлар улуши қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$I_{\text{ё}} = (\text{Ё}_0 / I) * 100$$

Натижага кўра, агар:

$I_{\text{ё}} = 0$ бўлса – **0 балл**

$0 < I_{\text{ё}} \leq 45$ бўлса – **1 балл**

$45 < I_{\text{ё}} \leq 55$ бўлса – **1,5 балл**

$I_{\text{ё}} > 55$ бўлса – **2 балл** ҳисобланади.

Бу ерда:

$I_{\text{ё}}$ – илмий ходимлар таркибидаги ёш олимлар улуши кўрсаткичи;

I – илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлар умумий сони;

Ё_0 – илмий ташкилотнинг асосий штатидаги 45 ёшгача бўлган ёш олимларнинг умумий сони.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

3. Илмий ходимларнинг ўртача ёши

Максимал балл – **1**

Илмий ходимларнинг ўртача ёши ўрта арифметик қиймат асосида қуйидаги формула билан аниқланади:

$$I_{\text{ўё}} = I_{\text{ё}} / I$$

Натижага кўра, агар:

$I_{\text{ўё}} = 0$ бўлса – **0 балл**

$0 < I_{\text{ўё}} \leq 45$ бўлса – **1 балл**

$I_{\text{ўё}} > 45$ бўлса – **0 балл** ҳисобланади.

Бу ерда:

$I_{\text{ўё}}$ – илмий ходимларнинг ўртача ёши кўрсаткичи;

$I_{\text{ё}}$ – илмий ташкилотнинг асосий штатидаги ҳар бир илмий ходимлар ёшларининг йиғиндис;

I – илмий ташкилотнинг асосий штатдаги илмий ходимлари умумий сони.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

4. Педагогик фаолият билан шуғулланаётганлар улуши

Максимал балл – **1**

Илмий ходимларнинг умумий сонига нисбатан қуйидаги формула билан аниқланади:

$$I_o = (P_o / I) * 100$$

Натижага кўра, агар:

$I_o \leq 5$ бўлса – **0 балл**

$5 < I_o \leq 20$ бўлса – **0,5 балл**

$I_o > 20$ бўлса – **1 балл** ҳисобланади.

Бу ерда:

I_o – педагогик фаолият билан шуғулланаётган илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимларнинг улуши кўрсаткичи;

I – илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлар умумий сони;

P_o – педагогик фаолият билан (ўриндошлик асосида) шуғулланаётган илмий ташкилотнинг илмий ходимлар сони.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

5. Илмий ходимларнинг мобиллиги (хорижий илмий ташкилотларда маъруза ва семинар машғулотларини олиб бориш, хорижий илмий изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш)

Максимал балл – **1**

Илмий ходимларнинг мобиллиги кўрсаткичи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$I_M = (I_{Mo}/I) * 100$$

Натижага кўра, агар:

$I_M \leq 5$ бўлса – **0 балл**

$5 < I_{Mo} \leq 20$ бўлса – **0,5 балл**

$I_M > 20$ бўлса – **1 балл** ҳисобланади.

Бу ерда:

I_M – илмий ходимларнинг мобиллиги кўрсаткичи;

I – илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлари умумий сони;

I_{Mo} – хорижий илмий ташкилотларда маъруза ва семинар машғулотларини олиб борган, хорижий илмий изланувчиларга илмий раҳбарлик қилган илмий ходимлар сони.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

6. Устоз–шогирд анъанаси асосида илмий кадрларни тайёрлаш тизимининг мавжудлиги

Максимал балл – **1**

Устоз–шогирд анъанаси асосида илмий кадрларни тайёрлаш тизимининг
мавжудлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$I_{\text{мб}} = (I_{\text{к}} / I) * 100$$

Натижага кўра, агар:

$I_{\text{мб}} \leq 20$ бўлса – **0 балл**

$20 < I_{\text{мб}} \leq 30$ бўлса – **0,5 балл**

$I_{\text{мб}} > 30$ бўлса – **1 балл** ҳисобланади.

Бу ерда:

$I_{\text{мб}}$ – устоз–шогирд анъанаси асосида илмий кадрлар тайёрлаш кўрсаткичи;

I – илмий ташкилотнинг асосий штатдаги (илмий даражага эга) илмий ходимлари умумий сони;

$I_{\text{к}}$ – илмий ташкилотнинг асосий штатдаги илмий ходимлари таркибидан илмий даражали кадрлар тайёрлаган (илмий раҳбарлик (маслаҳатчилик) қилган) илмий ходимлар сони.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

7. Докторлик (фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc)) диссертациясини химоя қилиш самарадорлиги

Максимал балл – 3

Докторлик (PhD ва DSc) диссертациясини химоя қилиш самарадорлиги кўрсаткичи қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$S_d = [(d_1/I_{h1}) + (d_2/I_{h2}) + (d_3/I_{12})] * 100$$

Натижага кўра, агар:

$S_d \leq 40$ бўлса – 0 балл

$40 < S_d \leq 60$ бўлса – 1 балл

$60 < S_d \leq 80$ бўлса – 2 балл

$S_d > 80$ бўлса – 3 балл ҳисобланади.

Бу ерда:

S_d – докторлик (PhD ва DSc) диссертациясини химоя қилиш самарадорлиги кўрсаткичи;

I_{h1} – илмий ташкилотнинг асосий штатдаги (илмий даражага эга бўлмаган) илмий ходимлари ва докторантларининг жорий йилдаги (ҳисобот йилида) умумий сони;

I_{h2} – илмий ташкилотнинг асосий штатдаги (илмий даражага эга бўлмаган) илмий ходимлари ва докторантларининг ўтган йилда (ҳисобот йилидан аввалги йилда) умумий сони;

d_1 – жорий йилда (ҳисобот йилида) диссертациялари Олий аттестация комиссияси Раёсати томонидан тасдиқланган асосий штатдаги (илмий даражага эга бўлмаган) илмий ходимлар ва докторантлар сони;

d_2 – ўтган йилда (ҳисобот йилидан аввалги йилда) диссертациялари Олий аттестация комиссияси Раёсати томонидан тасдиқланган асосий штатдаги (илмий даражага эга бўлмаган) илмий ходимлар ва докторантлар сони;

d_3 – жорий йилда (ҳисобот йилида) ва ўтган йилда (ҳисобот йилидан аввалги йилда) илмий ташкилотнинг асосий штатдаги илмий ходимлари раҳбарлигида тайёрланган ва Олий аттестация комиссияси Раёсати томонидан тасдиқланган диссертациялар умумий сони;

I_{12} – жорий йилда (ҳисобот йилида) ва ўтган йилда (ҳисобот йилидан аввалги йилда) диссертациялари Олий аттестация комиссияси Раёсати томонидан тасдиқланган илмий ташкилотнинг асосий штатдаги (илмий даражага эга бўлмаган) илмий ходимлари ва докторантлари умумий сони.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

8. Илмий унвон олиш самарадорлиги

Максимал балл – **1**

Илмий ходимларнинг профессор, катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонини олиш самарадорлиги қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$U = [(2 * P_p) + (1 * K_x)] / I$$

Натижага кўра:

0 дан **1** гача бўлган балл ҳисобланади.

Бу ерда:

U – Илмий ташкилотларнинг илмий ходимлари томонидан илмий унвон олиш самарадорлиги кўрсаткичи;

I – илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий даражага эга бўлган (илмий унвонга эга бўлмаган) ходимларнинг умумий сони;

P_p – профессор илмий унвонига эга илмий ходимлар сони. Кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти – 2 (икки);

K_x – катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга илмий ходимлари сони. Кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти – 1 (бир).

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

9. Диссертациясини муддатида ҳимоя қилган докторант ёки мустақил изланувчилар (PhD ва DSc) улуши (ҳузурида докторантура мавжуд бўлса)

Максимал балл – **1**

Диссертациясини муддатида ҳимоя қилган докторант ёки мустақил изланувчилар (PhD ва DSc) улуши (ҳузурида докторантура мавжуд бўлса) кўрсаткичи қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$H_d = [(h_d + h_m) / (d_1 + m_1)] * 100$$

Натижага кўра, агар:

$H_d \leq 50$ бўлса – **0 балл**

$50 < H_d \leq 80$ бўлса – **0,5 балл**

$H_d > 80$ бўлса – **1 балл** ҳисобланади.

Бу ерда:

H_d — диссертациясини муддатида ҳимоя қилган докторант ёки мустақил изланувчилар (PhD ва DSc) улуши кўрсаткичи;

d_1 – ҳисобот йилида докторантурани тамомлаганларнинг умумий сони;

m_1 – ҳисобот йилида мустақил изланувчилик институтини тамомлаганларнинг умумий сони;

h_d – ҳисобот йилида муддатида диссертация ҳимоя қилган докторантларнинг умумий сони;

h_m – ҳисобот йилида муддатида диссертация ҳимоя қилган мустақил изланувчиларнинг умумий сони.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

10. Фундаментал лойиҳалар улуши

Максимал балл – 6

Давлат илмий дастурлари доирасида фундаментал лойиҳаларни амалга ошириш натижалари кўрсаткичи ҳисобот йилида бажарилган лойиҳалардаги ижрочи илмий ходимлар сонининг илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлари умумий сонига нисбати асосида қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

$$F_{\text{и}} = F_{\text{л}} / I$$

Натижага кўра, агар:

$F_{\text{и}} = 0$ бўлса – 0 балл

$0 < F_{\text{и}} \leq 0,1$ бўлса – 1 балл

$0,1 < F_{\text{и}} \leq 0,15$ бўлса – 2 балл

$0,15 < F_{\text{и}} \leq 0,25$ бўлса – 3 балл

$0,25 < F_{\text{и}} \leq 0,35$ бўлса – 4 балл

$0,35 < F_{\text{и}} \leq 0,45$ бўлса – 5 балл

$F_{\text{и}} > 0,45$ бўлса — 6 балл ҳисобланади.

Бу ерда:

I – илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлари умумий сони;

$F_{\text{и}}$ – фундаментал лойиҳалар улуши кўрсаткичи;

$F_{\text{л}}$ – илмий ташкилотда ҳисобот даврида бажарилган фундаментал лойиҳалардаги ижрочи илмий ходимлар сони.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

11. Амалий лойиҳалар улуши

Максимал балл – 4

Давлат илмий дастурлари доирасида амалий лойиҳаларни амалга ошириш натижалари кўрсаткичи ҳисобот йилида бажарилган лойиҳалардаги ижрочи илмий ходимлар сонининг илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлари умумий сонига нисбати асосида қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

$$A_{и} = A_{\lambda} / I$$

Натижага кўра, агар:

$A_{и} \leq 0,05$ – 0 балл

$0,05 < A_{и} \leq 0,15$ бўлса – 1 балл

$0,15 < A_{и} \leq 0,30$ бўлса – 2 балл

$0,30 < A_{и} \leq 0,45$ бўлса – 3 балл

$A_{и} > 0,45$ бўлса – 4 балл ҳисобланади.

Бу ерда:

I – илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлари умумий сони;

$A_{и}$ – амлий лойиҳалар улуши кўрсаткичи;

A_{λ} – илмий ташкилотда ҳисобот даврида бажарилган амалий лойиҳалардаги ижрочи илмий ходимлар сони.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

12. Инновацион лойиҳалар улуши

Максимал балл – 4

Давлат илмий дастурлари доирасида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш натижалари кўрсаткичи ҳисобот йилида бажарилган лойиҳалардаги ижрочи илмий ходимлар сонининг илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлари умумий сонига нисбати асосида қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

$$I_{и} = I_{\Lambda} / I$$

Натижага кўра, агар:

$I_{и} \leq 0,05$ – 0 балл

$0,05 < I_{и} \leq 0,15$ бўлса – 1 балл

$0,15 < I_{и} \leq 0,30$ бўлса – 2 балл

$0,30 < I_{и} \leq 0,45$ бўлса – 3 балл

$I_{и} > 0,45$ бўлса – 4 балл ҳисобланади.

Бу ерда:

I – илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлари умумий сони;

$I_{и}$ – инновацион лойиҳалар улуши кўрсаткичи;

I_{Λ} – илмий ташкилотда ҳисобот даврида бажарилган инновацион лойиҳалардаги ижрочи илмий ходимлар сони.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

13. Халқаро ҳамкорликдаги қўшма лойиҳалар

Максимал балл – 6

Давлат илмий дастурлари доирасида халқаро ҳамкорликдаги қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш натижалари кўрсаткичи ҳисобот йилида бажарилган лойиҳалардаги ижрочи илмий ходимлар сонининг илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлари умумий сонига нисбати асосида қуйидаги формулалар асосида аниқланади:

$$X_{\text{и}} = X_{\text{а}} / I$$

Натижага кўра, агар:

$X_{\text{и}} = 0$ – 0 балл

$0 < X_{\text{и}} \leq 0,10$ бўлса – 1 балл

$0,10 < X_{\text{и}} \leq 0,15$ бўлса – 2 балл

$0,15 < X_{\text{и}} \leq 0,25$ бўлса – 3 балл

$0,25 < X_{\text{и}} \leq 0,35$ бўлса – 4 балл

$0,35 < X_{\text{и}} \leq 0,45$ бўлса – 5 балл

$X_{\text{и}} > 0,45$ бўлса – 6 балл ҳисобланади.

Бу ерда:

I – илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлари умумий сони;

$X_{\text{и}}$ – халқаро ҳамкорликдаги қўшма илмий лойиҳалар улуши кўрсаткичи;

$X_{\text{а}}$ – илмий ташкилотда ҳисобот даврида бажарилган халқаро ҳамкорликдаги қўшма илмий лойиҳалардаги ижрочи илмий ходимлар сони.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

14. Халқаро грантлар улуши

Максимал балл – 5

Илмий ташкилотнинг халқаро грантлари улуши кўрсаткичи ҳисобот йилида халқаро грантлар асосида жалб қилинган маблағлар миқдорининг ушбу даврда илмий ташкилотга давлат бюджетидан ажратилган жами маблағлар миқдорига нисбати асосида қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$X_g = (g_1/g_2) * 100$$

Натижага кўра, агар:

$X_g = 0$ – 0 балл

$0 < X_g \leq 10$ бўлса – 1 балл

$10 < X_g \leq 20$ бўлса – 2 балл

$20 < X_g \leq 30$ бўлса – 3 балл

$30 < X_g \leq 40$ бўлса – 4 балл

$X_g > 40$ бўлса – 5 балл ҳисобланади.

Бу ерда:

X_g - илмий ташкилотнинг халқаро грантлари улуши кўрсаткичи;

g_1 - ҳисобот йилида халқаро грантлар асосида жалб қилинган маблағларнинг хорижий валюта(лар)нинг ҳисобот йили 31 декабрдаги Марказий банк курси бўйича сўмда ҳисобланган миқдори;

g_2 - ҳисобот йилида илмий ташкилотга давлат бюджетидан ажратилган жами маблағлар миқдори.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

15. Бюджетдан ташқари маблағларнинг жалб қилинганлиги (хўжалик шартномаси)

Максимал балл – 5

Илмий ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағларнинг жалб қилинганлиги кўрсаткичи ҳисобот йилида бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан жалб қилинган маблағларнинг ушбу даврда илмий ташкилотга давлат бюджетидан ажратилган жами маблағлар миқдорига нисбати асосида қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$N_b = (m_{nb} / b_m) * 100$$

Натижага кўра, агар

$N_b = 0$ – 0 балл

$0 < N_b \leq 20$ бўлса – 1 балл

$20 < N_b \leq 40$ бўлса – 2 балл

$40 < N_b \leq 60$ бўлса – 3 балл

$60 < N_b \leq 80$ бўлса – 4 балл

$N_b > 80$ бўлса – 5 балл ҳисобланади.

Бу ерда:

N_b – илмий ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлар жалб қилганлиги улуши кўрсаткичи;

m_{nb} – ҳисобот йилида бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан жалб қилинган маблағлар миқдори;

b_m – ҳисобот йилида илмий ташкилотга давлат бюджетидан ажратилган жами маблағлар миқдори.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

16. Халқаро кўрсаткичларга кўра илмий ходимлар нашрларига иқтибослар

Максимал балл – **16**

Халқаро илмий маълумотлар базалари кўрсаткичларига кўра илмий ходимлар нашрларига иқтибослар кўрсаткичи қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$I_q = [(8 * N_s) + (5 * N_u) + (3 * N_x)] / I$$

Натижага кўра:

1 дан 16 гача бўлган балл ҳисобланади.

Бу ерда:

I – илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлари умумий сони;

N_s – ҳисобот йилида асосий штатдаги илмий ходимларнинг Scopus ва Web of Science индексацияланган маълумотлар базаларидаги журналларда чоп этилган мақолаларга иқтибослар сони. Кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти - 8 (саккиз);

N_u – ҳисобот йилида асосий штатдаги илмий ходимларнинг импакт факторга эга (Scopus ва Web of Science маълумотлар базаларига кирмаган) илмий нашрларда чоп этилган мақолаларга иқтибослар сони. Кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти - 5 (беш);

N_x – ҳисобот йилида асосий штатдаги илмий ходимларнинг бошқа хорижий илмий журналлардаги мақолаларга иқтибослар сони. Кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти - 3 (уч).

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

17. Халқаро илмий журналларда, маҳаллий илмий нашрларда чоп этилган мақолалар ва монографиялар улуши

Максимал балл – **16**

Илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлари томонидан халқаро, маҳаллий илмий нашрларда чоп этилган мақолалари ва монографиялари улуши кўрсаткичи қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$I_N = [(6 * P_{WS}) + (4 * P_{xm}) + (2 * P_{mm}) + (2 * P_x) + (1,5 * P_r) + (1 * P_{xt}) + (0,5 * P_t)] / I$$

Натижага кўра:

1 дан 16 гача бўлган балл ҳисобланади.

Бу ерда:

I_N – Халқаро илмий журналларда, маҳаллий илмий нашрларда чоп этилган мақолалар ва монографиялар улуши кўрсаткичи;

I – илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлари умумий сони;

P_{WS} – ҳисобот йилида Scopus ва Web of Science маълумотлар базаларига кирган журналларда чоп этилган мақолаларнинг умумий сони. Кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти - 6 (олти);

P_{xm} – ҳисобот йилида Scopus ва Web of Science маълумотлар базаларига кирган журналларда чоп этилган мақолаларнинг умумий сони. Кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти - 6 (олти);

P_{mm} – ҳисобот йилида чоп этилган маҳаллий монографияларнинг умумий сони. Кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти - 2 (икки);

P_x – ҳисобот йилида халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолаларнинг умумий сони Scopus ва Web of Science маълумотлар базаларига кирган журналларда чоп этилган мақолалардан ташқари). Кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти - 2 (икки);

P_r – ҳисобот йилида республика илмий журналларида чоп этилган мақолаларнинг умумий сони. Кўрсаткичнинг олиштира оғирлик коэффициенти - 1,5 (бир ярим);

P_{xt} – ҳисобот йилида халқаро анжуманларда чоп этилган мақолалар (тезислар)нинг умумий сони. Кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти - 1 (бир);

P_t – ҳисобот йилида республика миқёсида ўтказилган анжуманлар тўпламларида чоп этилган мақолалар (тезислар)нинг умумий сони. Кўрсаткичнинг солиштира оғирлик коэффициенти - 0,5 (ярим).

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

18. Илмий ташкилот томонидан конференция ёки семинарлар ташкил этилганлиги

Максимал балл - **2**

Илмий ташкилот томонидан (халқаро ёки республика) конференция ёки семинарлар (бир ва ундан кўп марта) ташкил этилганлиги кўрсаткичи қуйидаги формула асосида аниқланади:

Натижага кўра, агар:

$K_s = 0$ - 0 балл

$0 < K_s \leq 1$ бўлса - 1 балл

$1 < K_s \leq 2$ бўлса - 2 балл ҳисобланади.

Бу ерда:

K_s - Илмий ташкилот томонидан ташкил этилган (халқаро ёки республика) конференция ёки семинарлар сони.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

19. Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш ҳамда қўшимча нобюджет молиявий ресурсларни жалб этиш асосида олинган маблағлар ҳажми (млн сўмда)

Максимал балл – 6

Илмий ташкилот илмий-тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш ҳамда қўшимча нобюджет молиявий ресурсларни жалб этиш асосида олинган маблағлар ҳажми (млн. сўм) асосида қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$I_{nt} = M_1 + M_2 + M_3 + M_4 + M_5$$

Натижага кўра, агар:

$I_{nt} \leq 50$ млн. сўм – 0 балл

$50 < I_{nt} \leq 100$ млн. сўм бўлса – 1 балл

$100 < I_{nt} \leq 300$ млн. сўм бўлса – 2 балл

$300 < I_{nt} \leq 500$ млн. сўм бўлса – 3 балл

$500 < I_{nt} \leq 800$ млн. сўм бўлса – 4 балл

$800 < I_{nt} \leq 1000$ млн. сўм бўлса – 5 балл

$I_{nt} > 1000$ млн. сўм бўлса – 6 балл ҳисобланади.

Бу ерда:

I_{nt} - илмий-тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш асосида олинган маблағлар миқдори кўрсаткичи;

M_1 - илмий фаолият натижаларидан фойдаланган ҳолда яратилган ишланмаларни (бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни) реализация қилишдан олинган маблағлар ҳажми (млн. сўм);

M_2 - муассис ёки таъсисчиларнинг устав жамғармасига улуш сифатида интеллектуал мулк объекти ёки тайёр технологияни киритган ташкилот (ёки ихтисослаштирилган аффилиланган ташкилот) иштирокида тижорат ташкилотларини ташкил этишдан олинган маблағлар ҳажми (млн. сўм);

M_3 - интеллектуал мулк объектига бўлган ҳуқуқларини учинчи шахсга ўтказиш ва мазкур объектдан фойдаланиш ҳуқуқини роялти тўловларига асосан лицензия шартномаларини тузиш орқали, жумладан, уларни кейинчалик ушбу ҳуқуқлар олувчиси томонидан тижоратлаштириш шarti билан бериш ва бошқа усуллар орқали олинган маблағлар ҳажми (млн. сўм);

M_4 - иқтисодиёт тармоқлари томонидан илмий ишланмаларга бўлган эҳтиёж асосида бажарилган ишларга (лицензия шартномалари асосида) олинган маблағлар ҳажми (млн. сўм);

M_5 - хорижий инвесторлар томонидан сотиб олинган патентланган технология асосидаги лицензия шартномалари асосида олинган ҳажми (млн. сўм).

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

20. Илмий-тадқиқот натижаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш

Максимал балл – 3

Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан амалиётда фойдаланиш кўрсаткичи қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$I_{nm} = [(P_{xt} * 1,75) + (P_t * 1) + (D_t * 0,25)] / I$$

Натижага кўра:

0 дан 3 гача бўлган балл ҳисобланади.

Бу ерда:

I_{nm} - илмий-тадқиқот натижаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш кўрсаткичи;

I - илмий ташкилотнинг асосий штатидаги илмий ходимлар умумий сони;

P_{xt} - ҳисобот йилида олинган халқаро патентлар сони. Кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти - 1,75;

P_t - ҳисобот йилида республика миқёсидаги ва ихтиро учун, фойдали моделга олинган патентлар сони. Кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти - 1;

D_t - ҳисобот йилида дастурий махсулотларга гувоҳномалар ҳамда интеллектуал мулк объектига олинган талабномалар сони. Кўрсаткичнинг солиштирама оғирлик коэффициенти - 0,25.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

21. Илмий-ҳажмдор маҳсулотларнинг ташқи бозорга йўналтирилганлик улуши (экспорт)

Максимал балл – 4

Илмий-ҳажмдор маҳсулотларнинг ташқи бозорга йўналтирилганлик улуши (экспорт) илмий-ҳажмдор маҳсулотларни экспорт қилиш асосида жалб қилинган маблағларнинг миқдори асосида аниқланади:

Натижага кўра, агар:

$M_m = 0$ минг АҚШ доллари бўлса 0 балл

$0 < M_m \leq 80$ минг АҚШ доллари бўлса – 1 балл

$80 < M_m \leq 200$ минг АҚШ доллари бўлса – 2 балл

$200 < M_m \leq 350$ минг АҚШ доллари бўлса – 3 балл

$M_m > 350$ минг АҚШ доллари

бўлса 4 балл ҳисобланади.

Бу ерда:

M_m - Илмий ташкилот томонидан илмий-ҳажмдор маҳсулотларни экспорт қилиш асосида жалб қилинган маблағлар ҳажми (минг АҚШ доллари).

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

22. Илмий–тадқиқот фаолиятининг самарадорлигини бевосита амалда синаб, ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича ташкил этилган инфратузилмалар мавжудлиги

Максимал балл – **1**

Илмий–тадқиқот фаолиятининг самарадорлигини бевосита амалда синаб, ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича инфратузилмаларнинг (инновация марказлари, технопарклар) ташкил этилганлиги асосида (**1 балл** бериш билан) аниқланади.

23. Илмий ташкилот ҳузурида тажриба ишлаб чиқариш тузилмасининг мавжудлиги

Максимал балл – **1**

Илмий ташкилот ҳузурида синов–тажриба майдончалари (полигонлар) ва Махсус лабораториялар мавжудлиги асосида (**1 балл** бериш билан) аниқланади.

24. Илмий ташкилотда инновацион стартап акселератор ва инкубаторларнинг ташкил этилганлиги ҳамда тўлиқ фаолият юритаётганлиги

Максимал балл – **2**

Илмий ташкилотда инновацион стартап акселератор ва инкубаторларнинг ташкил этилганлиги ҳамда тўлиқ фаолият юритаётганлиги асосида (**2 балл** бериш билан) аниқланади.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

25. Ёш олимлар ижодий – тажриба устахонаси (“Maker space”) ташкил этилганлиги ҳамда тўлиқ фаолият юритаётганлиги

Максимал балл – **1**

Ёш олимлар ижодий–тажриба устахонаси (“Maker space”) ташкил этилганлиги ҳамда тўлиқ фаолият юритаётганлиги асосида (**1 балл** бериш билан) аниқланади.

26. Илмий ташкилотнинг фаолият йўналишига оид лаборатория ва бошқалар билан таъминланганлик даражаси

Максимал балл – **3**

Илмий ташкилотнинг замонавий лабораториялар билан, асбоб–ускуналар ва бошқа техник воситалари билан таъминланганлик даражаси, илмий ташкилотда мажудлиги асосида аниқланади.

Агар илмий ташкилот фаолиятига (тадқиқ қилинаётган соҳага) оид воситалари мавжуд бўлмаса **3 балл** (умумий тўплаган балидан) чегириб ташланади.

Илмий ташкилотлар рейтингини ҳисоблаш методикаси

27. Муассасанинг расмий веб–сайтининг Миллий қидирув тизимидаги ўрни

Максимал балл – 3

Илмий ташкилот расмий веб–сайтининг www.uz миллий қидирув тизимидаги ўрни (рейтингда қатнашаётган Илмий ташкилотлар кесимида) қуйидагича аниқланади:

$$R = 3 * [1 - (I_{tm} / N)]$$

Бу ерда:

R – Илмий ташкилотнинг расмий веб–сайти “Миллий қидирув тизими”даги ўрни кўрсаткичи. Кўрсаткичнинг солиштирма оғирлик коэффиценти – 3 (уч);

I_{tm} – www.uz миллий қидирув тизимида илмий ташкилот расмий веб–сайти жойлашган тартиб рақами (рейтингда қатнашаётган илмий ташкилотлар кесимида);

N – рейтингда қатнашаётган илмий ташкилотларнинг умумий сони.

Рейтинг натижалари эълон қилиниши

Ҳозирги кунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 11 майдаги 274-сонли қарорига мувофиқ ушбу методология асосида илмий ташкилотлар рейтингини аниқлаш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Рейтинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг расмий веб-сайтида, ҳамда ижтимоий тармоқлари расмий саҳифаларида эълон қилинади.

Веб-сайт: <https://mininnovation.uz/>

Facebook-саҳифа: <https://www.facebook.com/mininnovation.uz>

Telegram-канал: <https://t.me/mininnovation>

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI
FOR DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги
Илмий-техник ахборот маркази

Тошкент-2021